Энг катта орзуим — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!

Ислом КАРИМОВ

Греция Президенти Ўзбекистонда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 1 март куни Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Бош вазир Ў.Султонов, ташқи ишлар вазири А.Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Греция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Д. Киприос ҳам бор эди.

(ЎзА)

Корхона салоҳияти экспортда кўринади

Сирдарё вилоятида «Лечива-Фармсаноат» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ташкил этилганига бир йил бўлди. Бу ерда дори-дармон ишлаб чиқарадиган ва қадоқлайдиган мосламалар, технологик линиялар бекаму кўст ишлаб турибди. Дастлаб 3 турда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 17 тага етди. Қувонарлиси шуки, буюртмалар сони ортиб бормоқда. Масалан, ҳозиргача 200 миллион сўмлик маҳсулотга буюртма тушди. Бундан ташқари корхонанинг экспорт салоҳияти тобора ошиб бормоқда. Бу эса унинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Жўшқин ТОШБЕКОВ

Чуқур ҳамдардлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига,

Жаноб Президент,

Испания халқи ва ҳукумати номидан Сизга қарши қаратилган хуружни кескин қоралайман.

Қурбонларнинг оилаларига самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўрайман. Аминманки, жабрланганлар тез орада дарддан фориғ бўлади.

Бу тажовуз Ўзбекистон танлаган барқарорлик ва равнақ йўлига тўсиқ бўла олмайди, деб умид қиламан.

Ҳурмат билан,
Хосе Мария АСНАР,
Испания ҳукумати раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига,

Муҳтарам Президент,

Грузия Парламенти ҳамда шахсан ўз номимдан Сизнинг ҳаётингиз ҳамда Ўзбекистондаги конституциявий тузумга қарши қилинган ва оқибатда инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган тажовузни қаттиқ қоралайман.

Бизнингча, бу беандиша террорчилик фақатгина Ўзбекистон раҳбари ва унинг демократик сиёсатига қарши қаратилмаган. У Буюк Ипак йўли бўйидаги давлатларнинг рўёбга чиқаётган ҳамкорлиги, Европа-Осиё ҳамкорлиги ғояларига қарши қаратилган тажовуз ҳамдир. Чунки бу ғоялар халқларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди, улар туфайли давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди. Аминмизки, бундай ғаразли хатти-ҳаракатлар илк бошданоқ барбод бўлишга маҳкум.

Жаноб олийлари, юртдошларингиз ҳалок бўлиши муносабати билан Сизга чуқур ҳамдардлик изҳор этиш ҳамда самимий ва дўстона қўллаб-қувватлашимизни билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром билан,
Зураб ЖВАНИЯ,
Грузия Парламенти раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига,

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ушбу мактуб воситасида, жорий йилнинг 16 февраль куни Сизга ва Тошкент аҳолисига қарши террорчилик ҳаракатлари содир этилиши муносабати билан, чуқур таассуф билдириб, Европа Ҳамжамиятлари Комиссиясининг ушбу воқеадан жиддий ташвишда эканини маълум қилмоқчиман.

Омон қолганингиз ҳақидаги хабар менга қувонч бахш этди.

Айни пайтда барча қурбонларнинг оилаларига, шунингдек, ушбу бемаъни ва фожиали портлашлардан жабр кўрганларнинг барчасига ҳамдардлигимизни билдираман.

Сизнинг бу жиноят ижрочиларини топиш ва адолатли суд ҳукмига ҳавола қилиш йўлидаги қатъиятингизни юксак қадрлайман.

Самимий ҳурмат билан,

Ханс Ван Ден БРУК,
Европа Комиссияси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига,

Жаноби олийлари!

Сиз Жаноби олийларининг ҳаётига қасд қилиш ва Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқариш мақсадида республикангиз пойтахтида 16 февраль куни содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабарларни чуқур таассуф билан қарши олдик.

Бегуноҳ қурбонлар бўлгани бизни қайғуга солди, ҳалок бўлганларнинг оилалари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдирамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 16 февраль куни Олий Мажлис биносида бўлган мажлисида таъкидлаганингиздек, террорчиларнинг яна бир мақсади бўлган. Бу хорижий сармоядорларни қўрқитиш ва Ўзбекистонга сармоя киритишдан воз кечтиришдир. Биз эса қатъий ишонтириб айтамизки, бундан буён ҳам республикангизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, бўлиб ўтган фожиали ҳодисалар компаниямизнинг Ўзбекистондаги ишбилармонлик фаолиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Жаноби олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик ва бардамлик, Ўзбекистон халқига эса янада гуллаб-яшнашини ва тараққий этишини тилашга рухсат бергайсиз.

Наохико КУМАГАИ,
«Мицуи энд Ко., Лтд.»
Директорлар бошқаруви раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига,

Муҳтарам

Ислом Абдуғаниевич!

Шу йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари уюшмаси — «УТИД» аъзолари, хусусан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган турк ишбилармонлари номидан Сизга ҳамда Ўзбекистон халқига ўз ҳамдардлигимизни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Бу фожиали воқеа оқибатида жабрланган барча Ўзбекистон фуқароларининг оила аъзоларига чин юракдан таъзия билдирамиз.

Биз мустақил Ўзбекистондаги қулай, барқарор иқтисодий шароитда бир неча йиллардан буён эмин-эркин фаолият кўрсатиб келмоқдамиз. Бўлиб ўтган машъум воқеа тадбиркорларимизнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракатларига ғов бўла олмади.

Туркия ва Ўзбекистон ишбилармонлари ўтиш даври учун муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларини мунтазам равишда амалга ошириб келдилар ва бундан кейин ҳам бутун куч-ғайратларини ушбу йўналишга сафарбар этадилар.

Муҳтарам Президент,

Сизнинг буюк давлат қуриш сари танлаган ҳақ ва тўғри йўлингизни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Бу машаққатли йўлда Аллоҳ Сизга ҳамиша мададкор бўлсин.

Сизга соғлиқ ва омонлик тилаб, чексиз эҳтиром билан,

Юсуф ЙИЛМАЗ,
Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари уюшмаси — «УТИД» Бош директори.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 2 март, сешанба • № 26 (24.421).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва республикада паспорт тизимини такомиллаштириш, хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва ҳудудида бўлишини тартибга солиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

хорижий фуқаролар, жумладан, МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда яшаш учун берилган гувоҳномаси бўлгандагина доимий қайддан ўтиш ҳуқуқига эга;

МДҲга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уч кундан ортиқ бўладиган фуқаролари истиқомат жойида вақтинчалик қайддан ўтиши шарт;

Ўзбекистон Республикасига кириш визаси билан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар виза кўрсатилган муддат билан вақтинча қайд этилади.

2. Ўзбекистон Республикасида Паспорт тизими тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом;

Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сонли Фармон билан тасдиқланган Низомга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида, жумладан МДҲга аъзо давлатлар фуқароларига ва хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномалар бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларни доимий қайд этиш масалаларини кўриб чиқиш учун махсус комиссиялар тузилсин.

Мазкур ҳудудий комиссияларга раҳбарлик қилиш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Ушбу масалаларни ҳал этишда комиссиялар Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун келувчи шахсларни турар жой, иш ва ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш имкониятлари мавжудлигига алоҳида эътибор берсин.

4. Паспорт тизими қоидаларига, хорижий фуқароларнинг, жумладан, МДҲга аъзо давлатлар фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ҳамда республикада бўлиши тартибига қатъий амал қилиниши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги ПФ-1027-сонли Фармонига 1 ва 2-иловалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги 143-сонли Қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 февраль

Февраль воқеалари

Кўнгли сўқирлар

Ривоят қиладиларки, биёбонда ёлғиз, хор-зор кетаётган бир кўрга хизир йўлиқибди. Кўрнинг ғариб ҳолига ачинган хизир:

— Тила тилагингни, эй бандаи ожиз! — деб айтибди. Шунда кўр: «Сўқир кўзимга нур ато эт, мен ҳам бу ёруғ оламни тўйиб кўрайин» дейиш ўрнига:

— Эй хизир, дунёдаги барча одамларни кўр қилгин! деб сўраган экан. Ҳа, бу инсоннинг ичи кўмирдай қора, фасодга тўла, аламзада бўлгани учун ҳам шундоқ нонкўрларча тилак тилаган. Яқинда матбуотда эълон қилинган «Февраль воқеалари» таҳлилий мақоласини ўқиб, худди шу ривоят ёдимга келди. Ватандан олисда туриб, унга қарши фитна тўрларини тўқиётган юртга, халққа тош отиш ҳаракатида бўлган айрим кимсаларнинг аҳволи менга худди ўша тўрни эслатди.

Президентимизга қилинган суиқасд ҳаммамизни ларзага солди. Бу разилона ҳаракат ортида турганлар ҳам ижрочилар ҳам ҳақнинг ва халқнинг лаънатига дучор бўлдилар. Бу юзиқоралар «Дин софлиги», «Демократия» каби чиройли сўзлар остига яшириниб жирканч, жиноятлар режасини тузишаётгани энди ошкор бўлмоқда. «Улуғ демократ» Муҳаммад Солиҳ бир пайтлар шоирлик даъвоси билан чиққанди. Бироқ, шеърсевар халқимиз уни ҳеч қачон шоир сифатида тан олмаган. Бу муттаҳамнинг номи бир ҳовуч қаламкашгагина аён эди, холос. Унинг аламзадалиги, ғаламислиги ҳам ўша пайтлардан бошланган. Ривоятдаги кўр каби аламзада, юраги фасодга тўла бу шахс халққа «йўлбошчилик» қилишга уриниб, ўзини сиёсатга урган даврларни, атрофига одам тўплаб телба-тескари ғоялар билан одамлар бошини айлантирган пайтларини яхши эслаймиз. Яқингинада узун соч қўйиб, «Ўрисча маданиятлилиги» билан мақтанадиган, оғзидан Ғарбдаги «даҳо»лар номини қўймайдиган «шоир» бир юмалаб беш вақт намозни канда қилмайдиган мўминга айланганмиш. Воажабо, фирибгарлик, буқаламунлик шунчаларми?! Яна бир фикрим бор. Одам боласини ўлдиришга чорлайдиган, унинг қўлига қурол тутқазиб, ҳиссиз, аёвсиз, манқурт жангарига айлантиришга уринаётган кимса шоир деган номга муносибми? Ўзбек шеъриятидай гўзал, сохир, пок, не-не улуғларимизнинг қутлуғ номлари ила безанган бўстонда бундай сассиқ алафларга ҳеч қачон жой бўлмаган, бўлмайди ҳам! Ватандан қочиб, олис юртларда бир-бирининг гўштини еб юрган аламзадалар худди ривоятдаги кўр каби ўзига шифо, қалбига иймон тилаш ўрнига Ўзбекистонни қонга ғарқ этишга тайёр эканликлари сезилиб қолмоқда. Аммо, уларнинг манфур ниятлари ҳеч қачон амалга ошмагай. Бунга ўз Президенти атрофига жипслашган халқнинг кафолати бор. Бу ҳақиқатни эса фақат кўнгли сўқирларгина англаб етмайдилар, холос.

Кимнинг йўли бўлса
ватандан айро,
Бошига ёғилгай
минг бир хил бало.
Бундай қаро кунни,
қаро қисматни,
Эгам бандасига
кўрмасин раво!
Агар осмон бўлсанг
Ватан учун бўл,
Агар қурбон бўлсанг,
Ватан учун бўл!

Охунжон ҲАКИМОВ,
Фарғона, шоир

«Самсунг» телевизорлари Ўзбекистонда йиғилади

Равшан НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 2 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	69,93	100 Италия лираси	6,42
1 Австрия шиллинги	9,04	1 Канада доллари	74,84
1 Англия фунт стерлинги	180,73	1 Хитой юани	13,65
10 Бельгия франки	30,82	10 Люксембург франки	30,82
1 Голландия гульдени	56,42	1 Малайзия рингги	29,74
10 Греция драхмаси	3,87	1 Германия маркаси	63,57
1 Дания кронаси	16,74	1 Польша злотийси	28,69
1 БАА дирхами	30,76	1 СДР	154,29
1 АҚШ доллари	112,99	1000 Туркия лираси	0,32
1 Миср фунти	33,22	1 Финляндия маркаси	20,91
10 Испания песети	7,47	1 Франция франки	18,95
1 Швейцария франки	78,06		
1 ЕВРО	124,33		
10 Жанубий Корея вони	0,93		
10 Япония иенаси	9,47		
1 Россия рубли	4,94		
1 Украина гривнаси	31,54		
1000 Белорусь рубли	0,54		
1 Латвия лати	192,49		
1 Литва лити	28,25		
1 Молдова лейи	12,95		
1 Қирғизистон соми	3,70		

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Истеъдод — болаларни бирлаштиради

Одамзот бир-бири билан ҳамфикр, ҳамкор, ҳамдард яшашни истайди. Уларни бирлаштирувчи куч эса истеъдод эканлигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам болалар санъатига бағишланган халқаро «Болалар санъати — 2000» кўргазмасига тайёргарлик қизғин. Бу тадбир сайёрамиздаги болалар истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашади.

Кўргазмада яхши деб топилган санъат асарларининг намуналари шу йил июль ойида Вашингтонда бўлиб ўтадиган «Болалар санъати — 2000» кўргазмасида қатнашиш ҳуқуқини берадиган «Гран-при» ҳамда битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медали билан тақдирланади.

Ишончимиз комилки, юртимизнинг XXI аср ёшлари ўз қобилиятлари билан дунёни лол қолдиради.

Учқун БЕК

Нияти нопок бандалар

Республика ички ишлар идоралари ходимлари Тошкент шаҳрида рўй берган февраль воқеаларидан сўнг ушбу портлаш ҳолатларини содир этган кимсаларни топиш ҳамда бундай ҳодисаларнинг қайта рўй бермаслигининг олдини олиш мақсадида кучайтирилган тарзда хизмат ўташиб, зарур тезкор тадбирлар олиб боришмоқда.

Яқинда Тошкент вилоятининг Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғида яшовчи бир фуқаронинг уйидан 40 килограмм портловчи моддалар, 4 дона «Ф-1» жанговор граната, 50 метр детонатор тизимчаси, 10 дона «МД-5» русумли портловчи мослама топилди. Шунингдек, ушбу кимсанинг уйига яшириб қўйилган 3 дона компас, 2 та қўл радиостанцияси ва 2 та темир қутичага жойланган 256 дона «ПМ» тўппончасининг ўқлари, 720 дона АКМ автоматининг ўқлари ва бир дона шу русумдаги автомат топилган.

Ҳозирда ушбу фуқаро мазкур қурол-аслаҳалар, ўқ-дорилар ва бошқа мосламаларни қаердан олганлиги ва нима мақсадда сақлаётганлиги тўғрисида терговда жавоб бермоқда.

Пойтахт вилоятининг Паркент туманида олиб борилган тадбирларда эса «Тешиктошсой» зонасида жойлашган вагон ичидан ИИБда рўйхатда бўлмаган 16 ва 28 калибрли милтиқлар ҳамда 7,62 калибрли карабин топилган. Ушбу милтиқлар эгаси ҳам ушланган бўлиб, бу шахснинг қилмиши юзасидан ҳам тергов ишлари олиб борилмоқда.

Нияти пок инсон автомат сақламаса керак. Бўлмаса, Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани Кўҳитанг жамоа хўжалигидаги Т.Ж. исмли шахсга 1953 йилда ишлаб чиқарилган 1 дона автомат 41 дона ўқлари билан нима учун керак бўлиб қолди экан? Ёки шу вилоятнинг Денов туманида яшовчи фуқаро С.Ҳ. нинг уйидан 1 дона запали билан топилган РГД-5 жанговар гранатаси унинг гўрини қазишга асқотармиди?

Ангор туманида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида шерободлик Х.Т. исмли шахснинг машинасидан салкам ярим килограммга яқин гиёҳванд модда ва бир дона қирқма ов милтиғи топилди. Албатта, бу ушбу кимсанинг мақсади «Менинг қабиҳ ниятимни амалга оширувчи кишини қон қақшатаман» — деган гапдан ўзга эмас.

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида яшовчи 22 ёшли йигит эса вақтдан унумли фойдаланиб қолиш, тўғрироғи ўзининг қабиҳ ниятини яшириш мақсадида, 12 калибрли қирқма милтиғини йўқотиш пайига тушади ва уни харидорига 12 минг 500 сўмга сотаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади.

Мазкур ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Огоҳ бўлинг!

Албатта бу қуроллар юртимиздан, қайси биримизнингдир қўшнимизнинг уйидан топилди. Шу боис ҳеч қачон огоҳликни унутмайлик. Бундай нопок ниятли бандаларнинг қабиҳ ниятларидан ўз вақтида воқиф бўлиб, уларга тегишли чоралар кўрайлик. Бу ишларда ички ишлар ходимлари доимо жамоатчилик мададига таянади.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани

Партия ахбороти

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми

1999 йил, 27 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XIX пленуми бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда демократиянинг қарор топиши ва ривожланиши ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг навбатдаги вазифалари, Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ҳисобот-сайловлар, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг хотин-қизларнинг жамият ва партиядаги мавқеини ошириш бўйича тадбирлари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг 1998 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи, Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракциясининг ўтган йилдаги фаолияти ҳақида ахборот, Ўзбекистон ХДП 1998 йилги бюджети бажарилишининг якунлари ва унинг 1999 йилги бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ҳамда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ушбу масалалар юзасидан маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов, Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Убайдуллаев, Боғот туманидаги «Боғот» ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси, М. Қувоқов, Навоий туманидаги «Янги ариқ» фуқаролар йиғини раиси А. Жабборов, Қашқадарё вилоят газ конлари бошқармаси бошлиғи Н. Зайниев, Ўзбекистон ХДП Хўжайли туман кенгаши биринчи котиби Р. Зоирова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова иштирок этдилар.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари, уларнинг ташкилотчилари ва ижрочиларини кескин қоралаб, партиянинг Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти юргизаётган сиёсатга ҳамда ислоҳотлар йўлига содиқ эканлигини таъкидладилар.

Пленум, муҳокама этилган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, вилоят кенгашларининг партия марказий сайланма органлари аъзоси бўлмаган котиблари, Олий Мажлисга ХДПдан сайланган айрим депутатлар, қатор республика жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Марказий тафтиш комиссиясининг пленуми

1999 йил 27 февраль куни Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Ў. Турғунов, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, партия Марказий тафтиш комиссияси раиси вазифасидан озод қилинди. Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби вазифасида ишлаётган Сирожиддин Аъзамов Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиши ва ривожланиши ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг навбатдаги вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг партия Марказий Кенгаши XIX пленумидаги (1999 й. 27 февраль) маърузаси*

Партиямиз Марказий Кенгашининг XVIII ва XIX пленумлари оралиғидаги вақт бутун дунё учун ҳам, Ўзбекситон учун ҳам ўта мураккаб ва муаммоларга бой давр бўлди. Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй берган табиий офат, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ларзалар бизнинг мамлакатга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шу йилнинг 16 февралида Тошкентда содир этилган ёвуз ҳаракатлар миллий мустақиллигимиз, танланган тараққиёт йўлимизга тўсиқ солувчи нақадар жиддий хавфлар борлигини кўрсатди. Марказий Кенгаш ўзининг 17 февралдаги Баёнотида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг жонига суиқасд қилиш орқали юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни издан чиқариш, халқ орасида ваҳима уруғини сепиш, ёшларни ўз таъсир доирасига тортиш, Ватанимизнинг халқаро обрўйига путур етказиш мақсадида уюштирилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади, барча фуқароларни номи жаҳонга маълум ва машҳур юртбошимиз атрофида янада жипслашишга, ислоҳотларни изчил, қатъият билан олиб боришга, ғанимларга нисбатан ҳушёр бўлишга даъват этди. Бугун, биз, пленум минбаридан туриб, яна бир бор ушбу мудҳиш ҳодиса ижрочилари ва ташкилотчиларини қаттиқ қоралаб, уларни, ўзбекистонликлар, жумладан ХДПнинг кўп минг сонли аъзолари, жирканч ниятларингизни амалга оширишга асло йўл қўймайдилар, деб жиддий огоҳлантирамиз.

Ислоҳотлардаги собитлик самараси

Ҳа, истиқлол йўлида турли қийинчиликлар мавжуд, бироқ, Ўзбекистон уларни енгиб, туб ислоҳотлар йўлидан қатъий бормоқда. Республика саноатида рўй бераётган тузилмавий ўзгаришлар, унга хорижий сармояларнинг жалб қилинаётганлиги, янги корхоналарнинг бунёд этилиши, қишлоқда ислоҳотларнинг чуқурлашуви натижасида, ортда қолган йилда, ушбу жабҳаларда маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳажмлари ошди, деҳқонларимиз биринчи марта 3,5 миллион тонна буғдой етиштирдилар. Шулар асосида давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 16 февралида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузада **«мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қадам қўйилди, иқтисодиётни изчил ўстириш стратегиясини амалга ошириш учун пухта шарт-шароит, замин вужудга келтирилди»**, деган хулосани чиқарди.

Ўзбекистон раҳбарияти ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, мураккаб ўтиш даври қийинчиликларини енгишда аҳолини, хусусан унинг эҳтиёжманд гуруҳларини, қўллаб-қувватлашга оид аниқ чора-тадбирлар кўрмоқда. Янги иш жойларини вужудга келтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ошириш, қишлоқ аҳолисини замонавий тиббий ҳамда маиший хизматлар, сифатли ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, уй-жой қурилишига кўмаклашиш, Оила йили дастурини ҳаётга татбиқ қилиш шулар сирасига киради.

Мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг жамият маънавий янгиланиши билан уйғун тарзда олиб борилаётганлиги, ўтган йил давомида янада кучлироқ намоён бўлди. Жумладан, жаҳон илм-фанига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар таваллуд топган саналарни нишонлаш муносабати билан халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, замондошларимизни ундан баҳраманд этиш ишлари давом эттирилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари кенг кўламларда олиб борилди, Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурлари ишлаб чиқилди.

1998 йил Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар жараёни чуқурлашган давр бўлди. Олий Мажлиснинг XI, XII, ва XIII сессияларида, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган, ўнлаб янги қонунлар қабул қилинди. Чунончи, давлат ҳокимияти идоралари тасарруфидаги айрим вазифаларни истиқболда жамоат ташкилотлари ихтиёрига ўтказиш мақсадида, парламентнинг охирги сессияси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги тахрирда, биринчи ўқишда) ва «Ноҳукумат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги (биринчи ўқишда) қонунлар лойиҳалари асосан маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига чиқарилди. Булар Ўзбекистоннинг демократия йўлидан оғишмай бораётганлигидан далолатдир.

Республика ҳукумати ислоҳотлар самараси, халқимизнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, давлатимизнинг хавфсизлиги, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини тўла таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, яқин ва узоқ мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги ташқи сиёсат, ўтган йилда ҳам, ғайрат-шижоат билан олиб борилди. Юртбошимизнинг қатор мамлакатларга сафарлари ва республикага ташриф буюрган хорижий давлатлар бошлиқлари, ҳукуматлар раҳбарлари, жамоат арбоблари билан учрашув ҳамда музокаралари, Тошкентда турли халқаро анжуманларнинг ўтказилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг серқирралиги, жўшқинлиги, ташаббускорлигини кўрсатувчи айрим лавҳалардир, холос. Қисқаси, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми, унинг танилган аъзоси сифатида халқаро майдонда фаол ҳаракат қилди.

Замон талаблари руҳида

Партиямиз, унинг сайланма органлари ўтган йили ана шундай вазиятда фаолият кўрсатдилар. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми ва Котибияти мажлислари мунтазам ўтказилиб, уларда мамлакат ва партия ҳаётининг долзарб, хусусан ташкилотимиз фаолиятининг устувор йўналишларига таллуқли, масалалар мунтазам кўриб турилди. Жумладан, МК XVIII пленумининг, **партиявий-ташкилий ишларни** замон талаблари даражасига кўтариш тўғрисидаги, кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш муаммоларига катта эътибор берилди. Қорақалпоғистон республика, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Балиқчи туман партия ташкилотларининг шу соҳага дахлдор амалий ишлари ўрганилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда Бухорода ўтказилган республика семинарида кўриб чиқилди.

Натижада, ХДП аъзоларининг умумий сони ярим миллион нафардан ошди, унинг сафларига муносиб ёшларни тортиш бирмунча яхшиланди, ҳудудий партия ташкилотлари тармоғи кенгайди. Лекин, жойлардаги аҳволни ўрганиш ушбу ишлар ҳамма ерда ҳам кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатди. Бу соҳадаги камчиликларнинг энг асосийлари — кадрлар кўнимсизлиги, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда йўл қўйилаётган хатолар, раҳбар ходимларнинг ишончли заҳираси йўқлигидир.

Айрим партия ташкилотларининг ўз сафларини ўстириш, хусусан ёшлар, тадбиркор ва ишбилармонларни ХДПга жалб қилиш устида етарли ишламаётганликларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Агар ушбу нуқсонларни тугатиш учун тегишли чора-тадбирларни кўрмасак, камчиликларимиз янада кўпайиши мумкин.

Ҳисобот даврида МК Сиёсий ижроия қўмитаси **мафкуравий ишлар** билан мунтазам шуғулланди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий истиқлол маънавиятини шакллантиришга оид илмий қоида ва долзарб вазифаларнинг баён этилганлигини ҳисобга олиб, уларни ҳамда ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини партия аъзолари томонидан ўрганишни ташкил этишга доир кўрсатмалар, услубий тавсиялар мунтазам бериб борилди. Шу анъанани давом эттириб, Сиёсий ижроқўм юртбошимизнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган «Ўз тақдиримизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», деб номланган мусоҳабасини ХДП аъзолари томонидан ўрганишни уюштириш ҳамда уни кенг тарғиб этишда партия ташкилотларининг вазифаларини белгилади, тегишли услубий ашёлар матнлари жойларга юборилди. Партиямиз аъзолари ушбу мусоҳабани чуқур ўрганиб, ундан дастуриламал сифатида фойдаланадилар, деган умиддамиз. Марказий Кенгаш, шунингдек, Оила йили ва бошқа долзарб масалалар юзасидан ҳам шундай тадбирларни амалга оширди. Айни пайтда, партия ташкилотларининг фаолияти, хусусан ижобий ишларини ўрганиб, уларни оммалаштиришга эътибор қаратилди. Бу иш тегишли ҳужжатларни қабул қилиш, тажриба алмашишни уюштириш ҳамда таҳлилий ашёларни газеталарда ёки тўплам тариқасида чоп этиб, тарқатиш орқали амалга оширилди.

Сиёсий ижроқўм ҳисобот даврида партия марказий матбуот нашрлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига катта эътибор бериб, уларнинг масалалари, жумладан, ушбу нашрларга обунани уюштириш билан бевосита шуғулланди. Марказий Кенгаш ХДП нашрларига бундан кейин ҳам ўз ёрдамини аямайди ва маҳаллий партия ташкилотлари матбуотимизни қўллаб-қувватлашни давом эттиришлари лозим, деб ҳисоблайди. Шу жиҳатдан олганда, 1999 йил учун обуна топшириқларини ошириб бажарган Гулистон, Зарафшон, Тахиатош, Урганч, Чирчиқ, Қарши шаҳар, Гурлан, Конимех, Муборак, Олтиариқ ва Урганч туман партия кенгашларининг ишлари таҳсинга лойиқ. Марказий Кенгаш Котибияти ўзининг қарори билан уларнинг барчасини мукофотлади.

Партия матбуотига эътиборни сусайтирмаслик, нашрларимизни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш — бундан кейин ҳам бизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолаверади.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси фаолиятида, бутун партиямиздагидек, **парламентчилик иши** тобора катта аҳамият касб этмоқда. Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси арафасида унинг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан Сиёсий ижроқўмнинг нуқтаи назарини ишлаб чиқиш, тақдим этилган қонунлар лойиҳасига муносабат билдириш ва шу ҳақда депутатларимизга тавсиялар бериш мазкур соҳадаги фаолиятимизда асосий ўрин эгалламоқда. Шу билан бирга, сессиялар оралиғида янги қонунлар лойиҳаларининг дастлабки нусхаларини тайёрлашда бевосита қатнашиш, айрим ҳужжатлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фаол иштирок этиш, партия ташкилотлари ва сайловчилардан тушган таклифларни умумлаштириб, парламент Котибиятига йўллаш, сессиялардан кейинги даврларда эса, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини тарғиб қилишга ҳисса қўшиш, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришга кўмаклашиш каби ишлар билан мунтазам шуғулланишга тўғри келмоқда.

Бу ишларнинг самараси фракциямиз аъзоларининг парламентчилик тажрибаси ортиб бораётганлигида, уларнинг Олий Мажлис сессияларини тайёрлаш ва юксак савияда ўтказишга, мустақил тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилувчи қонунларни қабул қилишга муносиб ҳисса қўшаётганликларида намоён бўлмоқда. Партия парламентчилик фаолияти аҳамиятининг тобора ошиб бориши муқаррар.

Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли жамоат ташкилотлари билан ўзаро манфаатли алоқалари мустаҳкамланмоқда. 1998 йилда партиямиз вакиллари Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний», «ЭКО-САН» жамғармалари, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Байналмилал маданий маркази, қатор бошқа жамоат бирлашмалари ўтказган тадбирларда қатнашдилар ёки улар билан биргаликда маданий-маърифий ишларни олиб бордилар. Чунончи, Наврўз, Мустақилликнинг етти йиллиги, бошқа байрам ва тарихий саналар муносабати билан жойларда бўлиб ўтган тантаналар, сайлларни ўтказишда фаолларимизнинг муайян ҳиссаси бор.

Партиямизнинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлат ваколатхоналари ҳамда турдош сиёсий партиялар билан алоқалари кенгаймоқда. Ҳисобот даврида Марказий Кенгашга ташриф буюрган Ҳиндистон, Покистон, Россия, Шимолий Кореянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари, АҚШ элчихонасининг масъул ходими, Германия Социал-демократик партияси Марказий бошқарувининг вакили ва бошқалар билан дўстона учрашув ҳамда фойдали мулоқотлар бўлиб ўтди. Бундай алоқаларнинг нафақат партиямизнинг, балки, мустақил республикамизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилишини ҳисобга олиб, уларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Партия бюджетининг бажарилиши ва ундаги молиявий аҳвол тўғрисида. 1998 йил давомида партиямизнинг кўплаб ташкилотлари бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, молия-хўжалик ва аъзолик бадалларини тўплаш ишлари билан жиддий шуғулланганликлари туфайли ўз фаолиятларини молиялаш вазифаларини, асосан, эпладилар. Бу билан партияда молиявий аҳволнинг бирмунча барқарорлиги таъминланди. Лекин, қатор ташкилотларимиз бу ишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Шу боисдан улар молиявий қийинчиликларга дуч келдилар. Бунинг сабабларини нафақат иқтисодий қийинчиликлардан, балки, энг муҳими, баъзи бир партия ташкилотлари раҳбарларининг ушбу масалаларда йўл қўйган жиддий хато ва камчиликларидан, мавжуд имкониятлардан фойдалана билмасликларидан излаш керак.

1999 йилги партия бюджети лойиҳасини тайёрлашда, ташкилотларимизда ҳисобот-сайлов мавсумини ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар ҳисобга олинди. Жорий йилда ҳам тарғибий-ташвиқий, ташкилий-сиёсий тадбирларни ўтказиш билан бирга, партия ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш мақсадида, тегишли маблағларни ажратиш кўзда тутилмоқда. Партия бюджети бажарилишини таъминлаш учун бу соҳадаги нуқсонларни бартараф этиш, маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш талаб қилинади.

Кўриб турганингиздек, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ортда қолган йилда партия фаолиятининг барча асосий жабҳаларида муайян ишларни бажарди, қўйи ташкилотлар ва муассасаларнинг саъй-ҳаракатларини йўналтириб турди. Лекин, унинг фаолиятини бенуқсон, деб айта олмаймиз. Жумладан, биз барча партия ташкилотларининг талаблар даражасида ишлашига, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаоллик кўрсатишларига эриша олмадик. Иқтисодиётнинг нодавлат жабҳасида ХДПнинг таъсири етарли эмас. Партия тузилмаларининг давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари ва жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлигини такомиллаштирмоқ лозим. Сафларимизни хотин-қизлар, ёшлар ҳисобига тўлдириш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, қарорлар бажарилишини назорат қилиш ишлари ҳам суст. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш борасида ХДП маҳаллий кенгашларига услубий-ташкилий ёрдам сезиларли бўлмаётир.

Ушбу камчиликларни бартараф этмай, партиямиз олдида турган мураккаб вазифаларни муваффақиятли уддалаш ҳеч ҳам мумкин эмас.

Бизни янги, масъулиятли вазифалар кутмоқда

1999 йилда олдимизда турган вазифалар ниҳоят даражада масъулиятли. Жумладан, партияда ҳисобот-сайлов мавсумининг ўтказилиши мазкур даврнинг биз учун нақадар мураккаб бўлишини кўрсатмоқда.

Бундан қуйидаги асосий вазифалар келиб чиқади:

Биринчи. Партиянинг барча бўғинларида ҳисобот-сайловларни юксак савияда ўтказиш. Бу галги ҳисобот-сайлов мавсуми бошланғич партия ташкилотларида бошланиб, ХДПнинг учинчи қурултойини ўтказиш билан якунланади. Қурултойда партия Дастури ва Низомига ўзгартиришлар киритилиши ҳамда сайловолди Сиёсий ҳужжатининг қабул қилиниши заруратидан келиб чиқиб, Марказий Кенгашнинг шу ишлар билан шуғулланувчи махсус ишчи гуруҳларини тузиш лозим.

Вазифа — ушбу сафлар кўригидан партиянинг ташкилий ва маънавий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиб чиқишига эришишдан иборат.

Иккинчи. Жорий йилнинг яна бир муҳим хусусияти, бу — унинг, Аёллар йили, деб эълон қилинганлигида. Бизнингча, бу ташаббус айни муддао бўлди. Чунки, Аёллар йили — Оила йилининг мантиқий давоми. Шундан келиб чиқиб, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг хотин-қизларнинг жамият ва партиядаги мавқеини ошириш бўйича вазифалари тўғрисида»ги тадбирлар режасини эътиборингизга ҳавола қилиб, барчангизни бу муҳим ишга масъулият билан ёндошишга чақиради.

Учинчи. Тошкентда 16 февралда содир этилган фожиали воқеалар ташкилотларимиз олдига яна бир долзарб, яъни сафдошларимиз, барча фуқароларнинг беғамлик, лоқайдлик кайфиятидан фориғ бўлишларига қўмаклашиш, ёшларни имон-эътиқодлилик, ватанпарварлик, ислоҳотларга содиқлик, ғанимларга нисбатан сергаклик руҳида тарбияланишларига муносиб ҳисса қўшишдан иборат, вазифани қўйди. Бу биздан, биринчи галда, мамлакатимиз йўлбошчиси И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида, 1999 йил 16 февраль куни, мазкур воқеалар муносабати билан сўзлаган нутқи ва «Келажакни жасоратли одамлар қуради», деб номланган маърузаси мазмун-моҳиятини, шунингдек, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг 17 февралда қабул қилган Баёнотида ифода этилган нуқтаи назарни ишончли тарзда тушунтиришни талаб этади.

Партиямизнинг жорий йилдаги вазифалари, асосан, шулардан иборат. Уларни бажариш учун бизда куч ва имкониятлар етарли.

* Маърузанинг қисқартирилган баёни

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми қарори

Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиши ва ривожланиши ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг навбатдаги вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми ортда қолган 1998 йилда мамлакатимизда туб ислоҳотлар, ички ва ташқи қийинчиликларга қарамасдан, кенг кўламларда, изчил давом эттирилганини қайд этади. Натижада, саноат, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига эришилди, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш томон янги қадам қўйилди. Давлатимизнинг мўлжалли ижтимоий сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётир. Оила йили доирасида ишлаб чиқилган давлат дастурининг муваффақият билан бажарилиши туфайли оиланинг жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамланди.

Юртимизда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг жамият маънавий янгиланиши билан уйғун тарзда олиб борилаётганлиги, ўтган йил давомида, тобора кучлироқ намоён бўлди. Олий Мажлиснинг XI, XII ва XIII сессияларида, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган, янги қонунларнинг қабул қилиниши, мамлакатимизнинг демократия йўлидан қатъий бораётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон йўлбошчиси — Президент И.А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг, тинчлик ва ҳамкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш ва ислоҳотларни ички ва ташқи сиёсати самарали бўлди. Хулласа, Ўзбекистон 1999 йилга — барча соҳаларда барқарор ривожланиш палласига, шўролардан кейинги макондаги камдан-кам мамлакатлардан бири сифатида қадам қўйди.

Айни пайтда, жорий йилнинг 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари миллий мустақиллигимиз мустаҳкамланаётганлигини, Ўзбекистоннинг ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил бораётганлигини кўра олмаётган қора кучлар, халқимизни ислоҳотлар йўлидан оғдириш, уни мард ва синалган раҳнамосиз қолдириш йўлида ҳар қандай ёвузликдан қайтмасликларини намойиш этди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ўзининг 17 февралдаги мажлисида қабул қилган Баёноти ва республика Президенти И.А. Каримовга йўллаган мактубида ушбу фожиали воқеани, уни ташкил ва содир этганларни кескин қоралади, давлатимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини бутун партиямиз номидан маъқуллади ҳамда ушбу сиёсатни амалий ишлар билан қўллаб-қувватлашга барча ватандошларимизни даъват этди.

Халқимиз ютуқларида Ўзбекистон ХДП, унинг ярим миллиондан ортиқ аъзоларининг ҳам ҳиссаси бор. Зеро, мамлакатимизда қарор топган кўппартиялилик тизими доирасида, ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун, ҳаракат қилаётган ташкилотимиз аъзолари, давлатимиз раҳбариятининг ислоҳотлар сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, уни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Партиянинг изчил сиёсати ва амалий ишлари унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамламоқда, обрўйини оширмоқда. Ўтган йил давомида 38891 кишининг ХДП сафларига қабул қилиниши билан, унинг умумий сонининг 503 минг нафардан ошиши, 200 тадан зиёд янги бошланғич партия ташкилотларининг тузилиши, ҳудудий ташкилотлар тармоғининг кенгайиши шундан далолат беради.

Шу билан бирга, пленум партия ташкилотлари фаолиятида талай нуқсон ва камчиликлар борлигини ҳам таъкидлайди. Ҳозирча, барча партия ташкилотларининг ҳам талаблар даражасида ишлашларига, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаоллик кўрсатишларига эришилмади. Иқтисодиётнинг нодавлат жабҳасида, уларнинг таъсири етарли эмас. Тарғибий-ташвиқий ва парламентчилик ишларида, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, партия сафларини хотин-қизлар, ёшлар ҳисобига тўлдириш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, қарорлар бажарилишини назорат қилиш, моддий-техника воситаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш масалаларида жиддий камчиликлар мавжуд. Жойларда матбуотнинг аҳамиятини яхши тушунмаётганликлари оқибатида, кўпчилик ташкилотлар «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига 1999 йил учун обунани уюштиришга оид назорат рақамларини бажармадилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XIX пленуми қарор қилади:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XIX пленуми 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг Баёнотида ифода этилган нуқтаи назарни маъқуллайди ва, ўз навбатида, давлатимиз раҳбариятининг олиб бораётган сиёсати ҳамда халқ манфаатлари йўлидаги самарали фаолиятини тўла қўллаб-қувватлайди.

Пленум партия аъзолари, мамлакатимиз барча фуқароларини дунёга маълум ва машҳур юртбошимиз теварагида янада маҳкамроқ жипслашишга, миллий истиқлолимиз, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларимиз, азиз Ватанимиз осойишталигини, кўз қорачиғидай, асрашга ҳамда ислоҳотлар сиёсати самарасига фидокорона амалий ишлар билан ҳисса қўшишга даъват этади.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига, барча партия ташкилотларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштириш, ўз фаолиятларида мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирий чораларни кўриш топширилсин.

Ўзбекистон ХДПнинг барча бўғинларида бўлиб ўтадиган ҳисобот ва сайловларда партиянинг ғоявий-сиёсий ҳамда ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишига эришиш билан бир қаторда, унинг барча аъзоларининг мамлакатда амалга оширилаётган тақдиршумул ислоҳотларда бевосита иштирокини фаоллаштириш, ушбу умумхалқ ишига қўшаётган ҳиссасининг янада салмоқлироқ бўлишини таъминлаш ташкилотларимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблансин.

Пленум Ўзбекистон ХДПнинг барча даражалардаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг диққатини партия таркибининг сифатини яхшилаш ишини сусайтирмасликка, бунинг учун унинг сафларига муносиб ёшлар, хотин-қизлар, ишбилармонлар, зиёлиларни кўпроқ жалб қилишга ҳамда ҳудудий бошланғич ташкилотлар тармоғини кенгайтириб, уларнинг сайлов мавзелари ҳамда аҳоли яшаш жойларидаги фаолиятини яхшилаш лозимлигига тортади. Шунингдек, кадрлар билан ишлашни талаб даражасига кўтариш мақсадида, уларнинг ишончли заҳираларини вужудга келтириш, аёллар ва ёшларнинг масъул партия лавозимларга сайланишларига алоҳида эътибор бермоқ зарурдир.

Партия ташкилотларининг мафкуравий фаолиятларида ХДПнинг дастурий ғоялари, унинг сайловолди ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг нутқ ва асарларида баён этилган қоида ҳамда белгиланган вазифаларнинг мазмун моҳиятини кенг тушунтириш билан бирга, истиқлол душманларининг қора ниятлари ҳамда ёвузликларини фош этиш, уларнинг ниқобларини йиртиб ташлаш, ёшларни Ўзбекистонни астойдил севиш, унинг гуллаб-яшнашига қаратилган ислоҳотларга садоқат руҳида, имон-эътиқодли, меҳнатсевар, изланувчан, фидойи ватанпарвар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш муҳим ўрин тутмоғи даркор.

Партиянинг марказий матбуот нашрлари, давлатимиз раҳбариятининг халқчил ички ва ташқи сиёсатини, сафдошларимизнинг партия дастурий ғоялари ҳамда уларни рўёбга чиқариш йўлидаги фаолиятини тарғиб қилиш, миллий истиқлол маънавиятини шакллантириш ишига муносиб ҳисса қўшишни давом эттириш билан бир вақтда, ўз фаолиятларини жорий йил хусусиятлари, вазифаларидан келиб чиқиб, ташкил этсинлар. Маҳаллий партия ташкилотлари ўз матбуот нашрларига эътиборни кучайтирсинлар. Бундай имкониятлар йўқ ХДП кенгашларига жойлардаги оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни такомиллаштириш тавсия қилинсин.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси «Мулоқот» журнали, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва маҳаллий партия кенгашлари газеталарига маънавий ва моддий мадад бериш амалиётини яхшилаш чора-тадбирларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази хабар қилади



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида бир нечта қўпорувчилик ҳаракатларини содир этишда гумон қилинаётган айрим кимсаларга нисбатан қидирув эълон қилинган эди. Олиб борилган оператив тадбирлар натижасида улардан бири — 1972 йилда туғилган **СОЛИЖОНОВ РОВШАН ҲАСАНОВИЧ** қўлга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти уни қўлга олишда ёрдам берган фуқароларга миннатдорчилик билдиради. Қидирувда фаол қатнашган фуқароларга мукофот пули берилади.

Қолган гумондорларга нисбатан қидирув ишлари давом этмоқда.

Ҳақ ҳукми — халқ ҳукми

Ўтган йилнинг кеч кузида Самарқандннинг Хартанг қишлоғига бориб, Имом Бухорий бобомиз шарафланиб турган мажмуа ичига кириб, худди Каъбага бориб қолгандек ҳаяжонландим. Шунда хартанглик бир китобхон тўлқинланиб сўзлади.

— Мустақилликкача бу ерда фақат нурай-нурай деб турган эски масжид бўлиб, унда жамоа хўжалигининг маданий ўғитлари сақланар, атрофи ахлатхона эди, — деганда ўзимни тутолмадим. «Эй, Худо, эй, Истиқлол, — дедим ичимда, — қандай даҳшатлардан қутултирдинг бизни?! Эй, Президентимиз, бахтимизга узоқ-узоқ яшанг». Вужудимда ажиб бир титроқ жимирлади. Ҳис этиб турибман, томоғимга ҳам дардли, ҳам ширин йиғи келяпти. Мажмуани қанча айланмай, барибир тўймадим. Орадан икки хафта ўтиб, яна бошқа зиёратчиларга қўшилиб, Хартанг тупроғини кўзимга тўтиё этгани ошиқдим. Машинадан тушишимиз билан офтобдай нурланиб кўринган зиёратгоҳ сафардошларимнинг кўзларини чақнатди.

— Ассалому алайкум, пайғамбаримиз суннатига йўғрилган муқаддас китобни тўплаган Имом Бухорий, бобожон, хузурингизга яна келдик, Сизни топиб олдим, энди бизни ҳеч ким Сиздан йироқлаштира олмайди, — дедим овозимни ёнимдагиларга эшиттириб, — Мустақилликни дуо қилинг, улуғ бобо!

Шундай беғубор туйғулар бағрида атрофга қарайман, ҳамма-ҳамманинг юрагида шу ҳис жўш уриб турганини эркинлик нашидаси билан бахтиёр бўлган нигоҳларда кўраман! Хаёлимдаги давра кенгайиб, энди «Қутби дин»имиз Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Бурхониддин Марғилоний, Нажмиддин Кубро қадларини кўтариб, юртга қайтганларини изҳор қилишаётгандай. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сўзларини эшитаман. Хаёлим қуши Тошкентга, Соҳибқирон Амир Темур ҳиёбонига учади. Бобом отларини кишнатиб, «Куч — адолатда» эканини таъкидлаяптилар. Яқиндагина бу муқаддас ҳайкал ўрнида аввал Кауфман, ўттиз йилча диктатор Сталин, кейин Маркс худди бизни масхаралаётгандек қаққайиб турганини ҳозирги ўн ёшдан кичикларгина кўрмаган халос. Бугун миллий боғимизда баланд-баланддан қараб турган ҳазрат Алишер Навоийдан ортиқроқ эъзозланаётган мутафаккир яна дунёнинг қаерида бор?! Мамлакатимизга ким келса энг аввал бу ерни зиёрат қилиши, у шоҳми, вазирми, жаҳонга машҳур адибми, олимми, ҳамма-ҳаммаси бобомиз пойига гул қўйиш, бошларини эгиб, ўз ҳурматини билдириши қачондан бошланди?! Бу ерга қачон борсам, бобомизнинг нурли қадди-қоматларига қарасам, ҳамиша мустақилликдан, Президентимиз Ислом Каримовдан миннатдор бўлган туйғуларини достонга айлантиришаётгандек, уни ҳазратнинг ўзи баланд овозда ўқиётгандек бўладилар.

Қуёш ботишга яқинлашганда Тошкентга кириб келдик. «Тошкентга етти-саккиз йил илгари келган ҳар қандай киши ҳайратланиши» ҳақидаги бир-биримизнинг фикримизни маъқуллаймиз.

Нега бугун дилим қақшяпти?!

Халқ Президентга бўлган меҳру-муҳаббатини, унга қанчалар суяниб қолганини, эътиқодини, эҳтиромини тўлиб-тошиб айтяпти. Порт-лашларда ҳовли-жойи ер билан битта бўлиб турган аёлнинг йиғлаб:

— Худога шукр, Президентимиз омон эканлар, ҳамиша омон бўлсинлар, — деганини, ўзини эмас, Ватан тинчини ўйлаганини «ойнаи жаҳон» орқали ўша куни кечки пайт кўрдик. Навқирон ўғлидан айрилиб, куйиб-ёнган, уни ҳозиргина қора ерга топшириб келган отага юртбошимизнинг соғ экани, таскин бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. Қўлни-қўлга берган халқ иродасидан қудратлироқ куч жаҳонда йўқ! Ана шу қудратли тўлқиннинг отаси Президентимиздир. Уни йўқ қилишга уриниш, бу — энг аввало сени, севгилингни, отангни, онангни, болангни, неварангни йўқ қилиш. Бу — қўлингда ушлаб турган байроғингни, озодлигинингни, эркингни, қадр-қиммат-ингни, нафсониятингни тортиб олиш, уни кўзинг олдида топташ! Эй, хорижда ўқиётган, билим олиб қайтган, эй, навқиронларнинг ўнлаб газета ва журналларида, телевидениенинг ва радионинг махсус каналларида фаоллик кўрсатаётган ҳамқалам укаларим, ларзага тушганингизни ҳис этяпман, мардона овозингни эшитяпман. Ёнингиздаги синфдошингиз, мактабдан, ишхонадан кетиб қолган тенгдошингиз нима қилиб юрибди? Ўқув даргоҳимизда, корхонамизда, кўчамизда, яшаб турган биномизнинг ичида, эшигимиз олдида портлашлар рўй берса-ю, ўзимизни ўзимиз айбламасак, наҳотки?! Қабиҳ ниятли ваҳшийларга ҳар биримизнинг, бутун халқимизнинг қаҳр-ғазаби сўнмаганлигини, ватандошларимизнинг бир-бирларига янада яқинлашганларини, меҳру оқибатлари янада кучайганини айтиш, масалан, менинг кўнглимга тўлиқ таскин бера олмайди! Халқ дегани, ахир — мен, Сиз, Улар! Демак, мен нима қилаяпман? Сиз-чи, у-чи?!

Қодир Оллоҳнинг иноятн билан, улуғ аждодларимизнинг дуолари билан ҳақиқат истаганларнинг муҳаббати ва Худодан сўрови билан соғ қолган Ислом Каримов ўша куннинг, ўша доғли куннинг ўша онларидаёқ бизга таскин бердилар.

Йўлдош СУЛАЙМОН

Тинчлигимизга кўз тегмасин

Раҳматли бувим доимо дастурхон устида «Юртимиз тинч бўлсин», — деб фотиҳа қилар эдилар. Бу гапда маъно кўп экан. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан Президентимиз бутун салоҳиятини, авваламбор, юртимизда тинчликни сақлашга сарфламоқдалар. Шу боис 7 йил ичида эришган ютуқларимиз афсонага ўхшайди.

Мен ҳаётим давомида кўплаб чет мамлакатларда бўлганман. Қаерда бўлмайин дўстларимга Ўзбекистон, Тошкент ҳақида гапириб берардим. Лекин улар бизнинг юртимизни танишмас, фақат собиқ иттифоқдан келган меҳмонлар сифатида қабул қилишарди. Фақат юртбошимиз олиб бораётган доно сиёсат туфайлигина биз дунёга танилдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нималигини билдик. Фарзандларимиз дунёнинг ривожланган давлатларида билим олиш имкониятига эга бўлди.

Шу хатни ёза туриб «Тошбақа билан чаён» масалини эсладим. Ҳа, чаённинг иши чақиш, беозор инсонларга зарар келтириш. Атрофимиздаги давлатларда урушлар, тартибсизлик ҳукм сураётган, бегуноҳ одамлар нобуд бўлаётган бир пайтда, биздаги тинчлик-осойишталик, бунёдкорлик ишлари «чаёнларни», «илонлар»ни ташвишга солса не ажаб.

Ҳурматли Президентимизнинг ойнаи жаҳон орқали сўзларини оилам, фарзандларим, набираларим кўз ёши билан тингладик. Айниқса, юртимнинг фарзандлари — менинг болаларим, уларни ҳеч кимга бермайман, деган қалб сўзлари ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди.

Гулсара АБДУҚОДИРОВА,
доцент, Қибрай тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 3-уй.

Спорт • Спорт Спорт • Спорт

Байроқ кўтарилар — мадҳия куйлар қора кўз

«Мингаскар» — мозийдан сўзлар

Курашнинг шарқона турлари ҳамиша жаҳон ёшларини мафтун этиб келаётгани бежиз эмас. Бугунги кунда миллионлаб ёшлар миллий кураш, дзюдо, ушу, таэквондо ва каратэ баҳсларига ошуфта. Кураш қўл жанги ёки оёқлар ҳаракати билан амалга оширилгани учун ҳам унинг жозиба кучи алоҳида бўлса керак. Зеро, ҳеч ким йигит учун фахр ҳисобланган бундай олишув ва беллашувларга кимлар асос солган, демайди. Агар тарихга назар соладиган бўлсак, курашнинг ҳар қандай турини юзага келиши олис мозийга бориб тақалади.

Манбалардан аён бўлишича, ҳатто соҳибқирон Амир Темур салтанатидан илгари ҳам жангчиларга душманни маҳв этиш учун курашнинг «мингаскар» усуллари ўргатилган экан. Ваҳоланки, ҳар қандай салтанат ақл, идрок куч асосида дунёга келади. Айтишадики, қадриятларни эъзозлаш, меросга мурожаат қилиш авлодлар қонини янгилаб, янада жўш уришига йўл очаркан. Салтанат кучи эса табиий равишда шижоатли, жасур, мард ўғлонларда намоёндир. Бобомиз Амир Темур айтганларидек, «аскари қувватли мамлакат бой бўлур». Шунинг учун ҳам узоқ йиллар буюк Туронда қудратли салтанатга пойдевор солган бобомизни жангчи йигитлари ҳамласига энг кучли ёв ҳам дош беролмаган. Ўша даврда йигитларнинг қудратли бўлиши учун уларда аввало куч ва ишонч пайдо қилишига эришилган. Бундай кучга эга бўлиш учун албатта илм даркор. Ҳар бир ўғлоннинг «мингаскар» даражасига эришиши, яъни жанг қилишнинг минг тури, услубини билиши учун оддий аскар бошланмасига баҳс юритишнинг 33 турини билиши тақозо этилган. Агар салтанат ўғлони ўзининг бор қудрат ва имкониятларини юзага чиқармоқчи бўлса, 40 ёшигача 1 — 33 баробарида жанг қилиш усулларини эгалламоғи лозим бўлган. Зеро, бундай шайланиш илми сир тутилган.

Жанг қилиш, курашиш, маҳв этишда Соҳибқироннинг ўзлари ибрат бўлганлар. Бу ҳақда шундай ҳикоят бор: «Кучли ва чаққон билакларим иш бериб, соқчилардан бирининг қўлидан қиличини тортиб олдимда, уларга ҳамла қилган эдим, бариси қочиб қолди.» Кўриниб турибдики, қуролсиз тутқун хушёр турган соқчи қиличини эгаллаб, бир гуруҳ жангчиларни тумтарақай қилишга эришган. Бунинг учун тан ва руҳ тарбияси ниҳоятда уйғунлашган бўлмоғи даркор. Темур бобомиз туғида 3 та ҳалқа тимсоли бўлган. Йигитларнинг жисмоний камолотга эришишида ҳам шу ҳалқалар аҳамият касб этган. Яъни, биринчи ҳалқа тонг отиши бўлса, иккинчиси тушлик ва охиргиси кун ботишини белгилайди. Бояги айтганимиз, шайланишнинг 33 йўли эса ана шу ҳалқа теварагида, гўё товус патлари ёйилган кўринишда — қуёш чиқиб, то ботгунга қадар давом этган. Йигитлар 33 та усул мобайнида энг қийин ва мураккаб машқларни тобига етказганлар. Бу ерда албатта йигит кишининг жисмоний қувватини товусга қиёс қилиниши бежиз эмас. Боиси, ҳеч бир моҳир курашчи ёки спортчи кутилмаганда бировни безовта қилмайди. Аксинча, бундай йигитнинг, хусусан каратэчининг ҳар нимага қодирлигини билиб турганлигимиз учун ҳам унинг товусдек жилвагарлигига, айни пайтда беозорлигига ҳавас қиламиз. Шунинг учун ҳам қадимда курашнинг бир усулини билганларга аскар деб қаралган. 10 усул соҳибига ўн аскар, 100 тасини билганга юз аскар ва ниҳоят «мингаскар» юзага келган. Ўйлаймизки, минг услубда сўзсиз бугунги кунда энг оммавий спорт турларидан саналган ўша каратэда ҳам ҳужум, ҳамла ва ҳимояланиш ҳаракатлари мужассам бўлса ажаб эмас. Қизиғи шундаки, мамлакатимиз ўғлонлари каратэни ниҳоятда тезкорлик билан ўрганмоқдалар ва жаҳон майдонларида мутахассису мухлисларни лол қолдирмоқдалар. Балки, курашнинг бу тури йигитларимизнинг қонида, қолаверса жонида борлигидандир.

Ифтихор — севинч ёшлари

Ҳар нарсани бошлаб олиш, биринчи бўлиш осон кечмайди. Уч йил аввал хайрли ишга қўл урганимизда бугунга келиб, кутилмаганда ўзига хос мевадан баҳраманд бўлиш хаёлимизга келмаган. Ҳайтовур яхшига ҳам, ёмонга ҳам фаришта омин деганидек, ишимизни Оллоҳ қўллаб, омадимиз юришиб кетди. Ўша 1996 йилиёқ каратэ бўйича Осиё конфедерациясига тенг ҳуқуқли, сайлаш ва сайланиш овозига эга бўлган расмий аъзога айландик. Бизни каратэнинг жаҳон конфедерацияси ҳам тан олди. Бу хушхабарни республика спорт қўмитаси, республика марказий газеталари ва кўплаб мухлислар маъқуллашди ва бизга ҳайрихоҳлик қилишди. Бундай федерациялар узоқ йиллардан бери Франция, Америка ва Японияда фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик шарофати билан юртимиз спорт тарихида илк бор каратэ миллий федерацияси таркиб топди. Ваҳоланки, Ўзбекистонда қарийб 60 га яқин турли спортга хос федерациялар мавжуд. Илло уларнинг ичида биринчи миллий федерация номини олиб турганимиз биз учун алоҳида ардоқлидир. Боиси, аввало мутахассису мураббийларга, қолаверса, каратэчиларга бу ўзига хос ғурур ва фахр туйғуларини касб этади. Бунга эришиш учун бир йилдан кўпроқ вақт ташаббускор гуруҳ сифатида фаолият кўрсатишга ва эзгу ният йўлида саъй-ҳаракат қилишга тўғри келди. Албатта, бир нарсага эришиш осон эмас. Лекин, қўлга киритилган ютуқни мустаҳкамлаш янада қийинроқдир. Эришилган ютуққа севиниб ўтириш билан иш битмаслиги аён эди. Шунинг учун ҳам ташкилий-тадбирий ишларни юриштиришга эътиборни кучайтирдик. Франция, Англияга ўз вакилларимизни йўллаб у ерларда бу борада олиб борилаётган иш тажрибаси билан ўртоқлашдик. Бу мамлакатларда таркиб топган федерациялар тарихи, мураббийлик фаолияти, ёшлар тарбияси, халқаро мусобақаларга чиқиш каби масалалар билан қизиқдик. Маълум бўлишича, бу мамлакатларда каратэ бўйича ўз юлдузига эга бўлиш учун қарийб 15 йил сарфланаркан. 75 йилдан бери каратэни тан олиб турган Туркия, 35 йилдан бери курашнинг мазкур турини ривожлантираётган Англия, қолаверса, узоқ йиллардан бери каратэ ватани деб юритилаётган ўша Японияда ҳам чемпионларни камол топтиришнинг мушкулотлари бисёр экан. Бўлмаса Японияда 9 миллион, Эронда 2 миллион нафар йигит-қиз каратэ билан шуғулланади.

Биз эса энди бошлаяпмиз. Ютуқларимиз чакки эмас. Бугунгача каратэчиларимиз сафи 40 мингдан ошиб кетди. Кейинги икки йил ичида асосан оммавийликни таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтиришга аҳамият бердик. Бизда спортнинг ҳеч бир турида бўлмаган усул, яъни беш ёшдан болаларни машғулотларга жалб этиш мавжуд. Бунинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти бор. Нимага десангиз, 10 ёш ва ўтиш ёшида бўлган болакайларни чалғитмай, каратэга чорласак, у албатта, эзгулик йўлини танлаши табиий. Бу билан соғлом турмушни таркиб топтириш, жамиятни соғломлаштиришга ҳиссадор бўлишимиз мумкин. Маълумки, спортчиларга чекиш, ичиш, бўш вақтини беҳуда ўтказиш ман этилади. Ўқиш, билим олиш ҳамда оилага кўмаклашишдан ташқари вақтини каратэга сарфлаган ҳар қандай ўғлоннинг нияти мустажоб бўлғай. Сир эмаски, ўғлонлар эртами-индин Ватан ҳимоячилари сафида ўрин оладилар. Агар у моҳир каратэчи сифатида Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишга киришса, нур устига аъло нур эмасми.

Ҳозир республиканинг барча вилоят ва шаҳарларида каратэ федерациялари мавжуд. Баҳслар, кучлиларни саралаш аввал шаҳар, қишлоқ, кейин вилоят ва республика мусобақаларида ниҳоясига етказилади. Пировардида қобилиятли ёшлардан республика терма жамоаси таркиб топиб, жаҳон майдонлари сари юзланамиз. Ростини айтганда оз эмас, кўп эмас 5 йилдан кейин бирор натижалар кўзга ташланади, деган фикрда эдим. Шукрлар бўлсинким, сендан ҳаракат, мендан барокат деганларидек имкониятларимиздан етарли фойдаланиб, 1997-98 йиллар мобайнида турли мусобақалардан 40 та медаль билан қайтишга муваффақ бўлдик. Бу нишонларнинг 9 таси олтин, 12 таси кумуш экани диққатга сазовор.

Биринчи марта Макаода икки йил аввал ўтказилган Осиё чемпионатида иккита бронза билан қайтганмиз. Ўшанда бизни кўпчилик қуруқ қайтишади, деб ўйлаган экан. 1997 йили Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида яна икки бронза медали насиб этди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: «Ўшанда мутахассислар, журналистлар бизни ўраб, Ўзбекистон қаерда, у ерда кимлар яшайди, деб сўрашганди. Яна қандай қилиб эндигина оёққа тураётган федерация вакиллари дабдурустдан совриндор бўлиб кетишса? Бунинг сири нимада, дегандилар». Аён бўлишича, каратэчилар бундай мукофотларни ўн йиллаб кутарканлар.

Билмадим, бу саволларга аниқ жавоб бериш ҳам осонга ўхшамайди. Назаримда юртимизга ҳам, одамларимизга ҳам Оллоҳнинг назари тушганов. Шунингдек, бундай шарқона жангларнинг туби узоқ ўтмишга, соҳибқирон Амир Темур даврларига бориб тақалишдан бўлса ажаб эмас. Халқимизда қон суради, деган гаплар борку. Яна ҳам аниқроғи, каратэчи ўғлонларимизнинг ҳар бирида ватанпарварлик туйғуси, жарангдор мадҳиямиз, мовийяшил байроғимиз рамзларининг маъноси қалбларидан жой олганидадир. Йигитларимизнинг кийимлари бир хил, мадҳиямизни ёддан биладилар, тилдан қўймайдилар. Ҳар қайси мусобақа олдидан мадҳия ижро этилади. Муҳими мусулмончиликда Ватан соғинчи уларни руҳлантириб юборади.

Ўтган йил охирида Будапештда жаҳон кубоги мусобақасида қатнашиб, ажойиб ғалабага эришдик. 8-18 ёшли, жами 15 нафар каратэчимиз 5 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медалига эга бўлиб, жамоа ҳисобида орзуманд кубокни олиб келдилар. Бундай совринни турли мамлакатларда 30 йиллаб ва ундан кўпроқ кутарганлар. У ёғини сўрасангиз сафарга отланиш олдидан, агар битта кумуш олиб, шу ютуқни Конституция куни шарафига армуғон этсам, армонсиз бўламан деган хаёлга борувдим. Иш бошқа, жадал бошқа экан. Йигитлар мени даврага олишди. Тез Тошкентга телефон қилинг, дейишади. Севинчдан кўзларимда ёш қалқийди. Ўйлайман, эндигина бошлаган ишимизга кўз тегмасин. Ўша бизни молиявий қўллаб турган «Ёгмойтамакисаноат» давлат акционерлик жамияти — ҳомийларимизга ич-ичимдан ташаккурлар айтаман. Агар истиқлол, мустақиллик бўлмаса, бундай қувонч, бундай ғалаба, шараф қаёқда эди. Шу тариқа халқимиз юзини ёруғ қилиш йўлида собит қадам ташлаб турибмиз.

Нурхон НАФАСОВ,
Ўзбекистон Республикаси каратэ миллий федерацияси президенти

«И...я!!.» — кучлар жумбушда

Халқ ўртасида каратэни қараб теп, дея ҳазилга йўйиш бор. Зеро, жанговор баҳсда қараб тепишга сира ўрин йўқ. Боиси, спортчи ўзининг руҳий ва жисмоний қувватларини жумбушга келтиргандагина кутилмаган ҳолда овоз бериб юборади. Японлар бундай овозни «кин-се» деб юритишади. Жаҳонда тобора оммавийлашиб бораётган спортнинг бу тури билан шуғулланаётганлар эса ғалабага бўлган иштиёқларини ўзига хос нидо билан «и...я», «о...», «ҳа» деб ҳам ифодалайдилар. Ўтган дам олиш кунлари пойтахтнинг муаззам спорт мажмуи — «Жар»да ана шундай овозлар, ҳайқириқлар таралиб турди.

Ўзбекистон клуб жамоалари чемпионатининг тантанали очилиш маросими ҳам тантанавор бўлди. Республика спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов каратэчиларга муваффақият тилади. Мусобақа байроғи кўтариларкан Давлат мадҳияси таралди. Мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистондан чемпионликни орзу қилиб келган қарийб 500 нафар каратэчи ўртасида қизғин баҳслар бошланди. Айниқса, кўргазмали чиқишлар қилган 7 ёшли уч нафар ўғил боланинг катталарга хос шиддатли ҳаракатлари ва бир чеккада ийманибгина турган қизчанинг бу баҳсга аралашиб икки болакайни ағдариши, учинчисининг юзига оёқ қўйиб юбориши олқишларга сазовор бўлди.

Мусобақанинг биринчи кунида якка чиқишлар бўлди. Унда ҳар бир каратэчи спортнинг мазкур тури тақозо этадиган турли услуб ва мураккаб ҳаракатларни намойиш этиш бўйича ўзларини кўрсатдилар. Эртасига эса жуфтликлар баҳси бошланди. Ҳар бир жамоа ўғлонлари муваффақият қозониб, назарга тушишга интилди. Залга ўрнатилган икки майдончада жанглар бирваракай давом этарди. Йигитчалар белларига оқ ва қизил белбоғлар боғлаб олишган. Тўрт тарафда уларнинг ҳаракатларини кузатиб турган ҳакамлар қўлида эса оқ ва қизил байроқчалар. Бу байроқчалар томонлардан қайси бирининг аниқ зарба ёки услубнинг қиймига етказиб амалга оширишига қараб, ҳаракатга келтирилади. Гоҳида эса ҳар икки томоннинг кучлар нисбати баробарлашиб қолади. Шунда ҳакамлар яна бамаслаҳат ҳар иккала каратэчига ғолиблик зарби учун курашишга йўл берадилар. Баъзан эса республика мусобақасига эзгу ниятлар билан келган болакайнинг кўзида ёш қалқийди. Ҳа, ёш каратэчи шаклланмоқда. У улғайиш йўлидан бормоқда. Вақти келиб, мард ўғлоннинг кўзи бундай аламли пайтларда ҳам нам тортмаслиги мумкин. Бунинг устига томошабинларнинг аксарияти ҳали отаоналар. Бир нарсадан кўнгил сув ичади. У ҳам бўлса қора кўзлардан иборат каратэчилар сафи тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганидир.

Мусобақа бош ҳаками Арслон Эловнинг таъкидлашича қараганда, чемпионатни ўтказишда малака анча ортган. Каратэчилар маҳорати ошган. Бу ҳаммаси юртимизда спортнинг мазкур турига қизиқиш катталигидан, уни ривожлантиришга шарт-шароитлар яратилаётганидан. Зеро, оммавийлик йўлга қўйилган жойда албатта маҳоратнинг юзага келиши табиий. Ваҳоланки, чемпионатда оз эмас, кўп эмас 27 жамоа қатнашди. Бу сафар Тошкентнинг «Каратэ» клуби аъзолари юксак натижа кўрсатиб, жамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритишда. «Олимпиа», «Динамо» жамоалари эса иккинчи ва учинчи фахрий ўринларни эгаллашди. Шунингдек, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида каратэ ривожланиб бораётгани, маҳоратли ёшлар камол топаётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай чемпионатни ўтказишдан асосий мақсад кучли ва лаёқатли каратэчилар орасидан энг моҳирларини саралаб, терма жамоани таркиб топтириш эди. Бу терма жамоа эса март ойида Туркияда ўтказиладиган «Басфор» халқаро мусобақасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Кейин улар апрелда Австралияда ўтадиган халқаро мусобақага борадилар. Ўйлаймизки, қора кўзлар қаерда бўлишмасин Ватанимиз довруғини сарбаланд қилишга интиладилар.

Мурод ОТАХОНОВ

Хорижий сармояси бўлган барча корхоналар ва чет эллик сармоядорлар диққатига!

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Давлат мулкини хусусийлаштиришда ва қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида қуйида келтирилган объектлар учун

ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сонли «Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармоядорларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ қуйидаги корхоналар якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштирилади:

«ОНИКС» Акционерлик жамияти

Фаолият соҳаси: *Хрустал идишлари, хрустал қандиллар, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган*
Юридик манзили: *700069, Тошкент шаҳри, М. Мирпўлатов кўчаси, 51*
Майдони-25,9га
Ишчилар сони — 1813 киши
Низом жамғармаси — 75418,00 минг сўм
Акцияларининг номинал қиймати — 775 сўм
Хорижий инвесторларга сотиб олиш учун таклиф қилинаётган улуш миқдори - 32,5%

Қуйидаги объектлар хорижий инвесторларга бутунлай сотиш учун таклиф қилинади:

«Ўзбекнефтегаз» Миллий компаниясига қарашли АЁҚШлар:

14-Автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси

Фаолият соҳаси: Нефть маҳсулотларини сотиш
Юридик манзили: 700015, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Турсунқулов кўчаси
Майдони: 0,3 га
Ишчилар сони: 13 киши
Бошланғич нархи: 185,0 минг АҚШ доллари ва объектни нархланиши учун 240,0 минг сўм.

124-Автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси

Фаолият соҳаси: Нефть маҳсулотларини сотиш
Юридик манзили: 700025, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник мавзеси.
Майдони: 1,3 га
Ишчилар сони: 14 киши
Бошланғич нархи: 723,3 минг АҚШ доллари ва объектни нархланиши учун 240,0 минг сўм

Автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини сотиш тендер савдосида хорижий сармоядорларнинг иштирок этишларининг дастлабки шартлари

1. Сотиб олинган кундан бошлаб 3 йил муддат ичида сотиш ҳуқуқисиз сотиб олинган АЁҚШнинг фаолият ихтисосини сақлаб қолиш.
2. АЁҚШни сотиб олган сотиб олувчининг хусусий АЁҚШлар уюшмасининг аъзоси бўлиш мажбурияти.
3. АЁҚШни 3 йил муддат мобайнида махсус ишлаб чиқилган дастур бўйича босқичма-босқич эстетик, маданий хизмат кўрсатиш, кўрсатиладиган хизматлар соҳасини кенгайтириш хусусида жаҳон андозаларига етказган ҳолда қайта жиҳозлаш мажбурияти, бунда олинадиган соф даромаднинг 25% дан кам бўлмаган миқдорини кўрсатилган муддатларда шу мақсадларга қўйиш.
4. АЁҚШнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек қуйидагиларга риоя қилиш ва бажариш:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 09.06даги 290-сонли қарори билан тасдиқланган «Хусусийлаштирилган хусусий АЁҚШларнинг иши тўғрисидаги муваққат Низоми (Қоидаси)»ни :

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 07.09 даги 382-сонли «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг талабларини:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18.09 даги 397-сонли қарори билан тасдиқланган «Нефть маҳсулотларини сотиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) олиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби»ни:

5. Олинадиган соф даромаднинг 2% дан кам бўлмаган миқдорида ҳайрия ажратмалари (болалар уйлари, мактаблар, интернатлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар ва ҳоказолар).
6. Санитария-маиший, ёнғинга қарши ва экология талабларини таъминлаш
7. Энг кўп нархни тақдим этиш.

Автобусларни таъмирловчи «Мерседес-Бенц» хўжалик ҳисобидаги маркази

Юридик манзили: 700149, Тошкент шаҳри, Муродова кўчаси,7
Майдони — 2,8 га.
Ишчилар сони — 157 киши

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ ОБЪЕКТЛАР

«Қушбеги нон»

Фаолият соҳаси: нон булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Юридик манзили: 700022, Тошкент шаҳри, Бошлиқ кўчаси, 1
Майдони:0,2га
Ишчилар сони: 100 киши

«Кўкча»

Фаолият соҳаси: нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Юридик манзили :700012, Тошкент шаҳри, Кўкча бозори
Майдони: 0,2 га
Ишчилар сони: 61 киши

«Бешқайрағоч»

Фаолият соҳаси: нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Юридик манзили: 700150, Тошкент шаҳри, Уйғур кўчаси, 555(а)
Майдони 0,1 га
Ишчилар сони: 46 киши

«МБек»

Фаолият соҳаси: нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Юридик манзили: 700066, Тошкент шаҳри, Бешёғоч бозори
Майдони: 0,1 га
Ишчилар сони: 25 киши

«Бекнон»

Фаолият соҳаси: нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Юридик манзили: 700213, Тошкент шаҳри, Водник мавзеси, Бойқаро кўчаси
Майдони: 0,3 га
Ишчилар сони: 72 киши

«Боғистон»

Фаолият соҳаси: нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Юридик манзили: 700173, Тошкент шаҳри, Турсунқулов кўчаси, 25а
Майдони: 0,3 га
Ишчилар сони 102 киши

«Савоб нон»

Фаолият соҳаси: нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарищ
Юридик манзили: 700172, Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси, 113
Майдонги: 0,2 га
Ишчилар сони: 18 киши

«Самарқанд Дарбоза»

Фаолият соҳаси: нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Юридик манзили: 700011, Тошкент шаҳри, Самарқанд Дарбоза кўчаси, 166
Майдони: 0,3 га
Ишчилар сони: 64 киши

«Ўздонмаҳсулот» объектларини сотиш танловида хорижий сармоядорларнинг иштирок этишларининг дастлабки шартлари

1. Сотиб олинган нонвойхонани сотиб олинган кунидан бошлаб 3 йил муддат мобайнида фаолият ихтисосини сақлаб қолиш:
2. Нонвойхонани 3йил мобайнида босқичма-босқич ҳамда махсус эстетика , маданий хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар тури(ассортименти) ни кенгайтириш борасида жаҳон андозалари даражасигача қайта жиҳозлаш, бунда бу мақсадлар учун олинадиган соф даромаднинг 25% дан кам бўлмаган миқдорини қўйиш (сарфлаш) мажбурияти:
3. Ҳар бир туманда нон-булка маҳсулотларини сотиш бўйича фирма дўконларининг тармоқларини очиш мажбурияти.
4. Олинадиган соф даромаднинг (фойданинг) 2% дан кам бўлмаган миқдорида хайрия ажратмалари ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан тўғридан тўғри таъминлаш (болалар уйлари, мактаблар, интернатлар, кам таъминланган ва кўп болали уйлар ва ҳоказолар)
5. Санитария-маиший, ёнғинга қарши ва экология талабларини таъминлаш
6. Энг кўп нархни тақдим этиш.

Қўшимча маълумотлар юзасидан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-58-50, 144-50-70, 144-62-90, 144-54-98 орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Очиқ турдаги «Боғдоддонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг 1998 йил молия хўжалик фаолияти бўйича акционерларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Жамият номи: *«Боғдоддонмаҳсулотлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.*

Жамиятнинг жойлашган жойи: *Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Усмонхўжаев ширкат хўжалиги, Отхона қишлоғи. Индекс: 713532.*

Умумий йиғилиш ўтказиладиган жойи: *Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Усмонхўжаев ширкат хўжалиги клуби. Акционерлар реестри ёпиладиган вақт: 1999 йил 25 февраль.*

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. «Боғдоддонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг 1998 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисобот.
2. «Боғдоддонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти Тафтиш ҳайъатининг иш фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.
3. «Боғдоддонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида 1998 йил якунлари бўйича дивидент ҳисоботи ва тақсимланиши.
4. Бошқа масалалар:

а) жамият Устав фондини кўпайтириш, қўшимча акциялар чиқариш;
б) жамият уй-жойларининг давлатга тегишли қисмини қайта сотиб олиш ва ижарада ўтирган уй эгаларига сотиш;
в) жамият балансида бўлган ётоқхона ва ёғоч уйни «Дурдона» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига Мулк қўмитаси орқали сотиш;
г) жамият балансида бўлган Ризқ савдо маркази, Боғдод Винклер ва Бувайда Экмасан кичик нон цехларини шуъба корхоналарига айлантириш.

Ҳисоб-китоб баланси:

Молиявий натижалари: (минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар номи	Сумма	№	Кўрсаткичлар номи	Сумма
1	*Узоқ муддатли активлар*	130834	1	*Маҳсулот сотишдан тушган тушум*	1321160
2	*Айланма активлар*	1180770	2	*Асосий и/ч.нинг молиявий натижаси (фойда)*	83275
	Жами активлар:	1311604			
1	*Ўз маблағлари манбалари*	184022	3	*Умумхўжалик молиявий натижаси (фойда)*	93339
	Шу жумладан Низом фонди	59250			
2	*Мажбуриятлар*	1127582	4	*Йиллик соф фойда*	47004
	жами пассивлар	1311604			

Молиявий хўжалик фаолият натижаси мустақил аудитор томонидан кўриб чиқилди. «Ўздонмаҳсулотаудит» лицензия № 209 1996 йил 31-октябрь. Акционерлар умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш учун жамият Кузатув Кенгашига мурожаат қилишлари мумкин.

«Боғдоддонмаҳсулотлари» акционерлик жамияти.

Индекс: 713532. Тел: 51-2-83. Факс: 92-8-54. Реестр ушлаб турувчи ООО«Бунёддепозитари».
Манзили: Тошкент шаҳри, Лаҳутий кўчаси, 38-уй, 524-хона. Тел: 56-42-17.

«Боғдоддонмаҳсулотлари» ОТАЖ Кузатув Кенгаши

ДИҚҚАТ!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси чет эллик сармоядорларга биржа ва биржадан ташқари савдоларда эркин муомаладаги валютага қуйидаги акционерлик жамиятларининг акцияларини сотади

№	Номланиши	Соҳа	Низом жамғармаси (минг сўм)	Акцияларнинг умумий сони	Низом жамғармасидаги сотиш учун мўлжалланган %
1	*Тошкент машинасозлик корхонаси*	«Ўзмашсаноат»	38214	382140	35,9
2	*«ТашОР»*	«Ўзқишлоқхўжалик-таъминоттузатиш»	22577,8	32254	26
3	*Тошкент тўқимачилик комбинати*	«Ўзбекенгилсаноат»	344889,6	541428	16,7
4	*«Тошкентмебель»*	«Ўзбекмебель»	63216,2	75708	37,4
5	*«Тошойна»*	«Ўзбекмебель»	16388,1	54627	54,7
6	*«Тошкент-телеком»*	Тошкент почта ва телекоммуникация агентлиги	616774	616774	51
7	*Тошкент шаҳар телефон тармоғи*	Тошкент почта ва телекоммуникация агентлиги	4085496	4085496	51
8	*Тошкент шиналарни қайта тиклаш заводи-9*	«Ўзавтотранс»	14870,7	49569	60,7
9	*«Б. К. Интранс»*	«Ўзавтотранс»	34792,5	69585	25
10	*«Ёғочсоз»*	«Ўзқишлоқхўжаликқурилиш»	13484,8	134848	56,8
11	*Тошкент тажриба механика заводи*	«Ўзқурилишматериаллари»	51017,35	16727	51

Қўшимча маълумотларни 144-61-57, 144-53-59, 144-62-57 телефонлари орқали олишингиз мумкин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.
Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти қошида нашр қилинаётган «Ўзбекистон тарихи» журналига илмий мақолалар қабул қилиш давом этмоқда.
Мақолаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:
Тошкент, 700170, академик И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Телефон: 162-38-73

«Ризқомон» жамиятига тегишли бўлган Бош ҳисоблаш маркази томонидан 1995 йил 17 мартда берилган рўйхатдан ўтиш рақами 010683 код ОКПО 15564464 сонли ОКНХ 71500 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги масъулияти чекланган «Ризқомон» жамиятига тегишли бўлган Бош ҳисоблаш маркази томонидан 1995 йил 17 мартда берилган рўйхатдан ўтиш рақами 010683 код ОКПО 15564464 сонли ОКНХ 71500 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55,133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматида. 27.360 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0177

Босишга топшириш вақти 21:00
Топширилди — 4 22.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА